

**“ХАЙРАТ УЛ АБРОР”ДАГИ ХИЗР ВА ИСКАНДАР ИСМЛАРИНИНГ
НОМИНАЦИОН ВА БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Nishonboy XUSANOV

*Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O'zbek tili va adabiyoti universitet professori,
filologiya fanlari doktori*

xusanovnishonboy@navoiy-uni.uz

DOI <https://doi.org/10.5281/zenodo.14811589>

Аннотация: Мақолада “Хайрат ул аброр”даги Хизр ва Искандар исмларининг лексик-семантик хусусиятлари, номинатив ва услубий вазифалари очиб берилган. Бу исмлар таҳлили диниунослик, адабиётиниунослик, этнография, тарих фанлари учун алоҳида илмий аҳамиятга эга бўлиб, маънавий мерос – исмларнинг хусусиятларини ўрганиш ўзбек тилишунослигида янги йўналиш – услубий номишунослик ривожига ўзига хос манба вазифасини ўтайди.

Калит сўзлар: Сўз, исм, маъно, назм, пайгамбар, улубий вазифа, расул, диний исмлар, бадий исмлар, пайгамбарлар исмлари, сўзнинг маъноси, диний адабиёт, илмий адабиёт.

Аннотация: В статье раскрываются лексико-семантические свойства, номинативные и стилистические особенности имен Хизр и Искандар в "Хайрат ул аброр". Анализ имен имеет особое научное значение для религиоведения, литературоведения, этнографии, исторических наук, а изучение особенностей духовного наследия – имен служит особым ресурсом в развитии нового направления – стилистические ономастике в узбекской языкознании.

Ключевые слова: Слово, имя, значение, пророк, посланник, религиозные имена, художественные имена, имена пророков, значение слова, религиозная литература, научная литература.

Annotation: The article reveals the lexical and semantic properties, nominative and methodological tasks of the names Xizr, Iskandar in "Khairat ul Abror". The analysis of the names of the prophets has a special scientific significance for religious studies, literary studies, ethnography, historical sciences, and the study of the features of the spiritual heritage of names serves as a special resource in the development of a new direction – methodological nomology in Uzbek nomology.

Key words; Word, name, meaning, prophet, messenger, religious names, artistic names, names of prophets, meaning of the word, religious literature, scientific literature.

Хар бир сўз, хусусан исм ҳам назмий асарларда турли маъно ва вазифаларда келиши мумкин. Дарҳақиқат, назмий асарлардаги исмлар насрий асарларга нисбатан кўпроқ маъноларда ишлатилади ҳамда ўзига хос услубий вазифаларни бажаради.

“Хайрат ул аброр”даги исмлар хусусиятидан келиб чиқиб улар 3 гуруҳ асосида тасниф ва таҳлил қилиш мумкин(1).

1. Диний исмлар.
2. Бадий исмлар
3. Реал исмлар.

Маълумки, диний исмлар тарихий ва қадимий даврларда пайдо бўлган. Шунга қарамадан диний исмларнинг баъзилари сақланиб қолинган ва фаол

қўлланилади. Диний исмлар сирасига киритилувчи Хизр ва Искандар тилшунослик йўналишида махсус ўрганилмаганлиги ҳамда аҳамияти муҳимлигини назарда тутиб тадқиқ этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Диний адабиётлар ва ҳадисларда исмлар мазмунли, чиройли бўлиши учун кўпроқ диний исмларини қўйиш кераклиги акс этган.

“Хамса”нинг биринчи достони “Ҳайрат ул аброр” фалсафий – дидактик асар бўлиб, унда муҳим ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий масалалар акс этган. Навойининг маҳорати шундаки, асарда ҳар бир сўз ўзига хос маънони, вазифани ва масалани ифодалашга хизмат қилган.

Хизр (خضر) Шарқда - мусулмон мамлакатларида тарқалган афсонавий авлиё исми ҳисобланади. Қуръони Каримда у "Оллоҳнинг бандаси" (2, 211) номи билан зикр этилса-да, исми кўрсатилмайди. Туркий ёдгорликларда Яссавий асарларидан бошлаб учрайди: Хизр билан суҳбатлик, Илёс бирла улфатлик, Ҳақ қошида ҳурматлик, шайхим Аҳмад Яссавий (3, 195). "Қиссаси Рабғузий" ва "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарларида, Қуръоннинг 18 Қаҳф сураси (60-82 оят)да Мусо пайғамбар ва Хизр учрашуви воқеаси келтирилади. Унда Хизрнинг Мусога нисбатан илмлюроқ ва сабрлюроқ эканлиги ҳикоя қилинади.

Хизр сўзининг маъносини Рабғузий шундай таърифлайди: Хизр маънисини яшил бўлур. Қаю тош уза Хизр алайҳис-салом ўлтурса ул тош яшарур эрди. Анинг учун Хизр аталди (4, 2, 68). Турли луғатларда бу сўз пайғамбар номи деб изоҳланса-да, унинг маъноси ёритилмаган. Ҳозирги арабча луғатларда эса "Хизр -Илия пайғамбар" (5, 224) деб изоҳланган. Бизнингча у «яшил», «яшармоқ» маъноларини ифодалайди.

Бизнингча у «яшил», «яшармоқ» маъноларини ифодалайди.

“Ҳайрат ул аброр” да Хизр қуйидаги маъноларни англатиб келган:

1. Яхшилиқ қилувчи, йўл кўрсатувчи пайғамбар:

Хизрдек ул қавм тутиб элга қўл,
Кўргузубон манзили мақсадга йўл. (1, 121)

2. Яшил гиёҳ:

Зулмат алар ўтига бир дуди ох,
Йўлларида Хизр бир ахзар гиёҳ (1, 121).

3. Дарахт, дарахт шохи:

Шоҳи шажар ҳирқаси ахзар бўлуб,
Ҳирқа била Хизр паямбар бўлуб (1, 282)

4. Наша, банг:

Латтаки, маҳкам тугубон банг анга,

Еткурубон банг ёшил ранг анга.
"Хизр паямбар" қўюбон отини,
Воқеа деб ҳарза ҳаёлотини.
Йўқи ҳамин хилвати аҳлиға бас,
Шайхқа ҳам ушбу Хизр ҳамнафас (1, 117)
5.Тириклик суви(оби ҳаёт)ни топган пайғамбар:
Хизрға етгач тутар оби ҳаёт,
Миср шакар резига ҳабби набот.(1,127)
Хизр суйидек анга равшан зулол,
Нутқи масиҳ онда насими шамол.(1,58)
6.Узоқ умр кўрувчи:
Турмаву зинҳор етишғил манга,
Хизр ҳаёти бу хабар бил манга.(1,160)

Умуман,Хизр исми “Ҳайрат ул аброр”да ўзига хос маъно ва вазифаларни ифодалаб келган. Бу исм асарда мавзуни чиройли асослашда муҳим восита бўлиб келган ва ҳусни таълил санъатини ҳосил қилган.

Хат ароким, лаълин этиб ханданок,
Хизр суйидин қилиб, элни ҳалок (1, 285)

Шоир ёшликни тасвирлар экан уни қуйидагича асослайди: Мўйлаб орасидаги лаъли лаблари кулиб, ўзининг Хизр суви билан ошиқларни ҳалок қилади. Лаъли лаблардаги «Хизр суви»нинг машуқаларни ўлдириши машуқанинг ҳуснини чиройли асослашга манб

ИСКАНДАР (اسکندر) Бу исм “Ҳайрат ул аброр” да да кўп ва такрор-такрор ишлатилган. Искандарнинг келиб чиқиши ва исми маъноси ёдгорликларда тўлиқ акс этмаган: «Искандар насабида хилоф кўптур. Баъзи ани Дороб ўғли дебтурлар, андоқки Дороб зикрида ўтти. Ва Банокатийда ва "Девонун-насаб" китобидин мундоқ нақл қилибтурким, Искандари Хурмуси Румий ўғлидурким, Хурмус отаси Лафти бинни Юнон бинни Торах бинни Ёфас бинни Нуҳдур» (6-618). Алишер Навоий Искандар ҳақида ёзилган жами асарлар - Қуръон ва ҳадислар, Табарий, Беруний, Абу Али Муҳаммад Балъамий асарлари, Фирдавсий, Низомий, Хисрав Дехлавий, Абдурахмон Жомийнинг шу номдаги асарлари билан танишиб чиқади. Бу асарларнинг баъзиларида Искандар бутунлай ўзгартириб талқин этилса-да, баъзиларида икки шахс сифатида кўрсатилиб, олдингиларга нисбатан тўғри йўл тутилган. Искандар исми Александрнинг ўзгартирилган шакли бўлиб,

бу исм таниқли (юнон) лашкарбошисига тегишлидир. Александр юнонча сўз бўлиб икки қисмдан ташкил топган: алексин-қондаги ғимояловчи модда, андр-одам (7 , 604). Демак, Александр грекча сўз бўлиб "одамларни ғимоя қилувчи" маъносини англатади.

“Ҳайрат ул аброр”нинг “Искандарнинг етти иқлим мамоликин панжаи тасарруфиға киюрғони ва холи илик била оламдин рихлат маркабин сургони” деб номланувчи 49 –бўлимида Навоий уни “ҳам шоҳ эди,ҳам валий,ҳам пайғамбар” деб таърифлайди.

“Ҳайрат ул аброр”да Искандар исми “буюк ҳукмдор”, “лашқари кўп ҳукмдор”, “етти иқлим ҳукмдори”, барча нарсалардан хабардор” ва бошқа маъноларда қўлланилган ҳамда талмиҳ,такрир каби санъатларни ҳосил қилган.

Жам била Заҳҳокча жоҳи анинг,
Икки Скандарча сипоҳи анинг.(1,178)
Чунки Сикандар шаҳи иқлимгир
Бўлди жаҳон мулкида соҳиб сарир(1,222)

“Ҳайрат ул аброр” да Искандарнинг лақаб(унвон)и Зулқарнайн (ذو القرنين) номи учрамайди.Аммо бу унвоннинг маъноси боғлиқ тушунчалар борлигини назарда тутиб Зулқарнайн исмининг тарихига тўхталиш зарур.”Қисаси Рабғузий”да бу исм ҳақида қуйидача фикр билдирилган: “Зулқарнайн анинг учун атандиким, ернинг икки қарниға етти, яъни машрикдин мағрибга теги. Қарн араб тилинча муйнуз бўлур. Икки муйнузлиғ темак бўлур. Зулқарнайн анинг бошинда олтундин икки муйнузи бор эрди» (4, 2, 88). Демак, Зулқарнайн арабча сўз бўлиб, “икки”, “икки қутб эгаси” деган маънони англатади.

“Ҳайрат ул аброр”да унинг “етти қават осмонга ҳукмронлиги,етти иқлим унга бўйсуниси” таърифланиб,шундай юксак мартабали ҳукмдор қазоси яқинлашанда унга ҳеч ким – ҳакимлар,қуллар,хизматкорлар ёрдам бера олмаслигини англаб дейди:”Ким ўз ор-номус шартини сақламоқчи бўлса, менинг унга шундай васиятим бор:Вақтики пок бўстон қуши мен томон учиб келиб, поклик айвонига боришимни эслатган чоғда,оҳ тортиб,оламни қоронғи қилиб,тобутдан менга ухлаш учун жой ҳозирлаб,йўлимни қабр томон бошлар экансизлар,бир қўлимни тобутнинг ёнидан чиқариб қўйинглар.Кишилар тобутга назар солар эканлар,ибрат юзасидан шу қўлга қарасинлар.Билсинларким,етти ўлка подшоси,етти осмон мушкулларидан хабардор одам,энди жисмида жон йўқ,бу макондин,бу жаҳондин кетмоқда”.

ALISHER NAVOIY ADABIY VA ILMIY MEROSINI O'RGANISH MASALALARI

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

Кимки жаҳон мулки ҳавасдур анга,

Ушбу илик тажриба басдур анга(1,223)

Умуман, Хизр ва Искандар исмлари “Ҳайрат ул аброр”да ўзига хос маъно ва вазифаларда қўлланилган, турли бадиий санъатларни ифодалаб келган.

Фойдаланилган адабиётлар (Использованная литература/ References)

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Олтинчи жилд.Хамса. Ҳайрат-ул аброр.Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,Тошкент,2011,805с.
2. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима/Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. - Тошкент: Чўлпон,- 1992. -496с.
3. Хожа Ahmad Yassaviy Devoni Hikmat."Movarounnahr" Toshkent -2004
4. Носируддин Рабғузий. Қиссаи Рабғузий. - Тошкент: Ёзувчи.
К.1. 1990. - 240 б.
К.2. 1991. - 272 б.
5. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. Москва: Русский язык, 1977. - 942 с.
6. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Саккизинчи жилд.Тарихи мупуки Ажам. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2011,709с.
7. Успенский - Успенский Лев. Ты и твоё имя. Ленинград: Лениздат, 1962. -632 с.